

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**



РЕФЕРАТ

**Мавзу: Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва
унинг ресурсларидан фойдаланиш**

Текширди: Мислимов.Б

Бажарди: _____

Тошкент-2016

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан фойдаланиш

Режа:

- 1. Атмосфера тўғрисида тушунча ва унинг хусусиятлари.*
- 2. Атмосфера ресурсларининг асосий кўрсаткичлари ва баҳолашнинг аҳамияти.*
- 3. Атмосфера ҳавосидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш*
- 4. Ўзбекистонда атмосфера ҳавосини ҳолати ва муҳофаза қилишнинг истиқболли йўналишлари*

Атмосфера тўғрисида тушунча ва унинг хусусиятлари.

Атмосфера ер шарининг катта қалинликдаги ҳаво қобиғидир. Атмосфера ҳавоси ердан 300 км гача тарқалган 1000 км баландликда ҳам ҳаво зарраларини учратиш мумкин. Атмосфера ҳавосининг 80 % и ердан 20 кмгача баландликда жойлашган бўлиб тропосфера деб аталади. Атмосферанинг 20 км дан 55 км гача стратосфера бўлиб унда 20 %гача ҳаво мавжуддир. Ундан юқори қисми ионосфера дейилади .

Атмосферанинг таркиби: газли кимёвий таркиб, намлилиги, муаллақ сузиб юриши, ҳарорати, сув буғларининг мавжудлиги билан характерланади. Атмосферанинг таркибидаги ҳавонинг 78,08 % азот 20,95 % кислород 0.03 % ис гази - 0,03, аргон – 0,93 ва неон, гелий, криптон, водород, озон, метан, углерод оксиди, азот оксиди каби кўплаб газлар учрайди, уларнинг миқдори 0,02 % дан ортмайди. Атмосферанинг умумий массаси 10* 15 тонна газ.

Атмосфера биосферанинг асосий компонентларидан бири ҳисобланади ва маълум хусусиятларга эга. Атмосфера ер шари бўйича текис тақсимланган. Ёруғликни, намликни, иссиқликни, электромагнит тўлкинларини тақсимлайдиган ва қайта тақсимлайдиган асосий омил ҳисобланади. У космосдан келадиган зарарли нурлар, метеоритларни зарарсизлантириб ўтказди. Атмосферанинг бу хусусиятлари ерда ҳаётнинг барқарорлигини таъминлайди. Сайёрамизнинг иссиқлик баланси ҳам атмосферага боғлиқ. Атмосфера доимо биосфера, гидросфера ва литосфера билан ўзаро алоқададир. У тирик организмлар учун керак бўлган кислород, ис гази, азотнинг манбаи ҳамдир. Улар биологик модда айланишида фаол иштирок этади. Атмосфера туфайли сув табиатда айланиб юради. Бундан ташқари моддаларнинг геологик айланиши, тоғ жинсларининг емирилиши, ҳаракати ва бошқа жараёнларда ҳам фаол иштирок этади.

Атмосфера ресурсларининг асосий кўрсаткичлари ва баҳолашнинг аҳамияти.

Атмосфера билан минтақавий табиий, ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимлар ўртасида қарама-қарши йўналишдаги алоқалар мавжуд. Атмосферанинг ҳолати бу тизимларнинг ҳолати ва ишлашига боғлиқдир (литосфера юзаси ҳолати, саноат-қишлоқ хўжалиги ва коммунал хўжалик чиқиндилари). Бундай таъсир ернинг иссиқлик балансига, жонли табиатга, намлик айланиши, биологик модда айланиши қаби бошқа жараёнларга катта таъсир кўрсатади. Чиқиндилар ҳажми ва уларнинг зарари қанча кўп бўлса, ҳаво ҳаракати қанчалик секин бўлса, ёғин миқдори қанча кам бўлса, атмосферада зарарли моддалар шунчалик кўп тўпланади. Шунга мос равишда табиий, ишлаб чиқариш ва ижтимоий тизимларга таъсири ҳам кўп бўлади. Чиқиндили атмосферанинг туриб қолиши “смог” ҳодисасининг содир бўлишига олиб қелади.

жадвал

Атмосферага чиқарилаётган зарарли чиқиндиларни 1991-1996 йиллардаги тадрижий ўзгариши (млн тонна)

	1991	1992	1993	1994	1995	1996
Жами	3,805	2,890	2,591	2,409	1,996	1,840
Ҳаракатдаги объектлардан	2,591	1,782	1,570	1,450	1,092	0,983
Доимий манбалардан	1,214	1,107	1,020	0,958	0,904	0,857

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: ҳамма ифлослантирувчи манбалардан атмосферага чиқариладиган моддалар ҳажми, чиқарилаётган моддаларнинг ушлаб қолинганларининг салмоғи, ушлаб қолинган моддаларнинг зарарсизлантириш салмоғи, атмосферадаги зарарли моддаларнинг рухсат этилган меъёрига нисбати, зарарли моддаларнинг таркиби. Бу кўрсаткичларнинг ҳаммасини умумий ҳисоблаш, ингредиентлар бўйича ҳисоблашни шаҳарлар, қишлоқлар, маъмурий туманлар бўйича амалга ошириш лозим.

3. Атмосфера ҳавосидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Атмосфера ҳавосини иқтисодий баҳолаш ҳавонинг ифлосланишидан юзага келадиган зарарни, яъни ҳаво ҳавзасидан фойдаланиш натижасига кўра аниқланади. Зарар ўлчами табиий ишлаб чиқариш, ижтимоий тизимларда ифлосланган ҳавонинг таъсири бўйича аниқланади. Бунинг учун турли табиий иқтисодий шароитларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси ва унда ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳисобга олиниб, табиий ишлаб чиқариш ижтимоий тизимлар учун нормативлар ишлаб чиқаради ва иқтисодий амалиётдаги кўрсаткичлар нормативлар билан зарарни таққослаш асосида аниқланади. Ҳаво ҳавзасини иқтисодий баҳолаш бир нечта мезонлар бўйича амалга оширилади: 1) ер шари атмосфераси учун, 2) алоҳида минтақалар учун, 3) алоҳида мамлакатлар учун, 4) кичик ҳудудлар учун. Атмосфера ҳавосининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кичик ҳудудлар бўйича амалга оширилганда самаралироқ ҳисобланади, лекин глобал атмосфера муаммолари ер шари атмосфераси учун амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Чунки атмосфера ҳавоси доимо ҳаракатда ва ундаги чиқиндилар ҳам биргаликда ҳаракатланади. Масалан, озон қатламининг

емирилиши, иссиқлик самарадорлигининг ортиши, иқлим ўзгаришлари қаби муаммолар бутун ер шари атмосферасига тегишлидир.

4 Ўзбекистонда атмосфера ҳавосини ҳолати ва муҳофаза қилишнинг истикболли йўналишлари.

Саноат соҳасида асосий эътибор энг йирик ифлослантирувчи корхоналар томонидан атмосферага чиқиндилар чиқариб ташлашни қисқартиришга қаратилган бўлиши лозим. Масалан, бундай корхоналар қаторига Олмалиқ кон металлургия қомбинати, Ангрен ва Навоий шаҳарларининг иссиқлик электр станциялари, Оҳангарондаги цемент заводи, Навоий ва Қувасойдаги қурилиш материаллари заводлари ва айрим бошқа корхоналар қиради. Бу манбаларнинг ҳар бири йилига 10 минг тоннадан ортиқ чанг ва 30 минг тоннадан ортиқ олтингугурт, азот ва бошқа зарарли моддалар бирикмаларини чиқариб ташламоқда. Ўзбекистонда атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантирувчи моддаларнинг 13%и Олмалиқ кон металлургия қомбинати ҳиссасига тўғри қелади. Ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлайдиган, чанг ва газдан тозалаш усқунаси билан жиҳозлашни талаб қиладиган доимий манбаларнинг энг кўпи қуйи Чирчиқда тўпланган (339), ундан кейин Олмалиқ (96), Ангрен (59), Беқобод (39) шаҳарлари туради. 10 дан ортиқ шаҳарларда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон республикасида иссиқхона самарасини берувчи газларни чиқарилиши.

Жами (CO₂
CH₂,

Атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг 50% дан ортиғини углерод оксиди, 14% ини олтингутурт ангидриди ва шунга ўхшаш зарарли моддалар, 8%ини - углеводородлар, 5% ини - қаттиқ моддалар, 4% ини - азот оксиди ташкил этади.

Доимий манбалардан атмосферага 150 дан ортиқ зарарли моддалар чиқарилади. Ҳудудий жиҳатдан бу зарарларнинг 84%и саноат корхоналарининг асосий қисми тўпланган Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ва Навоий вилоятларига тўғри келади.

Атмосферани ифлослантирувчи асосий манбалардан бири автомобиль транспорти ҳисобланади. Автотранспортнинг атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларнинг салмоғи 53%ни, айрим шаҳарлар (Тошкент, Бухоро Самарканд, Андижон) да 80% гача этади. Кейинги пайтда атмосферага транспорт томонидан чиқарилаётган зарарли чиқиндилар 2,7 мартага камайди. Бу табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг фаол олиб борилаётганлиги, автопаркларни техник соз ҳолатларда сақланаётганлиги, автомобилларни экологик назоратдан ўтказиш тизимининг мукаммаллашганлиги каби тадбирларни амалга ошириш натижасидир.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланганлик даражаси ва уни Ўзбекистон республикаси ҳудудлари бўйича ўзига хослиги бу соҳада аниқ тадбирларни

ишлаб чиқишни талаб этади. Ана шунга кўра ҳавони муҳофаза қилиш борасидаги аниқ йўналишлар қуйидагича бўлиши керак: ҳавонинг ифлосланиши йўл қўйиладиган даражадан ошиб кетган шаҳар ва аҳоли пунктларида меъёрий даражаларга тушириш; тезлик билан республиканинг барча шаҳарларида, аҳоли пунктларида ва саноат марказларида ҳаво сифатини санитария меъёрлари даражасида яхшилаш; ҳавони муҳофаза қилишда иқтисодий дастурлардан фойдаланишни кенгайтириш.

Адабиётлар рўйхати

1. Глушкова В.Г., Макаров С.В. «Экономика природопользования» учебное-пособие М., Гардораки 2005.
2. Холина В.И. «Основы экономики природопользования» Питер 2005.
3. Гальцин А.Н. «Основы промышленной экологии» Академия 2004.
4. Кормилец В.И. и др. «Основы экологии» М. «Интерсталь» 2001.
5. Муҳофаза-2004й. №10 37-43 бет.
6. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-2003. №8. 31-32 бет.
7. Ҳаёт ва қонун-2002й. №5. 76 бет.
8. Жамият ва бошқарув-2003й. №1. 65 бет.
9. Муравы А.И. Экологический менеджмент: системно – институциональный подход. Москва. Акад. М.: РАГС. 2000.